

PSYCHOLOGICAL AND SOCIOLOGICAL APPROACH TO THE STUDY OF THE PROCESS OF MASS PROTESTS***Boburjon Khakimovich Khasanov****Researcher**National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek**Tashkent, Uzbekistan**E-mail: sherzodxamrayev1990@gmail.com*

ABOUT ARTICLE**Key words:** protest, crowd, psychology, society, sociology, public mood, political and social situation, philosophy.**Received:** 31.08.23**Accepted:** 02.09.23**Published:** 04.09.23**Abstract:** This article shows the social causes of public protests, changes in the psychology of the individual, when these public protests later develop into riots, and also describes the mechanisms of crowd formation.**ОММАВИЙ НОРОЗИЛИК ҲАРАКАТЛАР ЖАРАЁНИНИ ЎРГАНИШНИНГ
ПСИХОЛОГИК ВА СОЦИОЛОГИК ЁНДАШУВИ*****Бобуржон Хакимович Хасанов****Тадқиқотчи**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**Тошкент, Ўзбекистон**E-mail: sherzodxamrayev1990@gmail.com*

МАҚОЛА ҲАҚИДА**Таянч сўзлар:** норозилик, оломон, психология, жамият, социология, омма кайфияти, сиёсат-ижтимоий вазият, фалсафа.**Аннотация:** Ушбу мақолада оммавий норозилик намойиш келиб чиқишининг ижтимоий сабаблари ва омиллари кўрсатилиб, ушбу оммавий норозиликлар кейинчалик тартибсизликка айланиб кетишида шахс психологияда бўладиган ўзгаришлар, шунингдек оломоннинг шаклланиш механизmlари баён қилинган.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ И СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ИЗУЧЕНИЮ ПРОЦЕССА МАССОВЫХ АКЦИЙ ПРОТЕСТА

Бобуржон Хакимович Хасанов

Исследователь

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Ташкент, Узбекистан

E-mail: sherzodxamrayev1990@gmail.com

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: протест, толпа, психология, общество, социология, общественные настроения, политика-социальная ситуация, философия.

Аннотация: В данной статье показаны социальные причины возникновения общественных протестов, изменения в психологии личности, когда эти общественные протесты в дальнейшем перерастают в беспорядки, а также описаны механизмы формирования толпы.

КИРИШ

Хозирги кунда гигимон мамлакатлар томонидан айрим ривожланаётган давлатларда ўз хукмдорлигини ўрнатиш мақсадида турли ички низоларни келтириб чиқариш тенденцияси кузатилмоқда.

Шу каби усуллардан бири сифатида, мамлакат ичкарисида аҳолининг оммавий норозилик ҳаракатларини келтириб чиқариш хисобланади.

Ушбу оммавий норозилик жараёнларда шахс психологияда бўладиган ўзгаришларни ўрганиш муҳим касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Психологик ёндашувда оммавий норозиликлар бевосита оломон феномени билан боғлиқ тарзда тадқиқ этилади, яъни норозиликларни амалга оширувчи оломон турлари, юзага келиш мотиви, психологияси, иштирокчилар онгига тасир қилиш усуллари ва воситалари, оломон хулқ-авторидаги ўзгаришлар ва уни бошқариш билан боғлиқ жараёнлар ўрганилади.

Психологлар ёндашувига кўра, **оломон** – алоҳида ташкил этилмаган, стихияли тарзда пайдо бўлган тартибсиз, англаб олинган умумий мақсадгаэга бўлмаган, соф ҳиссиётга берилган одамлар тўдаси.

Психологияда оломон фаоллиги ва ҳиссиётга берилганлик даражасига кўра **фаол** ва **пассив** турларга ажратилади.

Фаол оломон деганда биринчи навбатда зўравонлик, шафқатсизлик, босқинчилик, қўпорувчилик ҳаракатларига мойиллиги бўлган, тажовузкорхулқ-автор етакчилик қиласиган одамлар тўдасини тушуниш лозим.

Пассив оломон эса, ўзида эмоционал компонентларнинг йўқлиги билан ажralиб

туради. Уни ташкил қилувчилар ушбу гурухга тўсатдан, мисол учун, бирон бир ҳодисани томоша қиласман деб, шунчаки қўшилиб қолганлар ёки аниқ мақсад асосида келишилган ҳолда йиғилганлар (тўй- ҳашамларга, кино, театрга келганлар) ҳам бўлиши мумкин. Пассив оломонга хос индивидларнинг ўзаро жойлашуви шундайки, улар бир-бирларига таъсири қилмайди. Бинобарин бу турдаги оломонни бошқариш осон кечиши тадқиқотчилар томонидан алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Оломонни психология нуқтаи назаридан бу тарзда таснифлаш шартли қабул қилинган бўлиб, амалий нуқтаи назардан қараганда **оломоннинг ўзгарувчанлиги** яъни, бир турдан иккинчисига ўтиши унинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Оломоннинг ўзгарувчанлиги тўсатдан

ёки қасдан уюштирилган бўлиши мумкин.

Кўплаб тадқиқотчилар оммавий норозиликларнинг келиб чиқишида бевосита оломонни энг хавфли бўғин сифатида кўрсатишса, А.Н. Сухов улардан фарқли равишда оломонни бир қанча турларга ажратиб, уларнинг айримларини хавфсиз бўлиши мумкинлиги тўғрисида фикр юритади.

Оддий оломон – тасодифан маълум бир воқеа-ҳодиса тўғрисида маълумот олиш учун йиғилган одамлар тўдаси. Масалан ёнғин ёки авария вақтларида йиғилган омма. Бу оломон турини муаллиф энг хавфсиз деб баҳолайди.

Экспрессив оломон – у биргаликда қувонч, қайғу, ғазаб ва бошқа ҳис - туйғуларни ифода этадиган одамлар гурухи. Масалан, рок мусиқачилар мухлислари, дағн маросими иштирокчилари.

Конвенционал оломон – асосан спорт тадбирлари вақтида шаклланадиган фанатлар гурухи. Уларнинг хавфли жиҳати рақиб жамоа вакиллари билан келтириб чиқарадиган тартибсизликларда кўринади.

Экстатик оломон – экспрессив оломоннинг ҳаддан ташқари кучли шакли бўлиб, бунда одамлар ҳис-туйғулар кучлилигидан бир-бирига тан жароҳати етказишгacha боришади.

Фаол оломон – бу жамоавий хатти-харакатларнинг сиёсий жиҳатдан энг муҳим ва хавфли шакли. У ўз навбатида бир неча агресив, ваҳимали, мажбурий ва исёнкор каби кичик гурухларга ажратилади.

Одамларнинг оломон ичига қўшилишга бўлган мотивлар булар:

Биринчи, бўлаётган воқеа ҳодисага **қизиқиши**, яъни инсонпсихологияси шундай рефлекс шаклланганки, агарда бирон жойда қўпчилик инсонлар тўпланиб турган бўлса, шахс ўз хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўша жойга боришга интилади.

Иккинчи, **бошқа шахсларнинг чорлови** билан, бунда шахс оломоннинг тўпланишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсири билан оломон таркибига қўшилиб қолади.

Учинчи, маълум бир **манфаатни қўзлаб**, масалан ҳокимият вакилиги қаршилик кўрсатиш, ўз хоҳиш истакларини оммавий тарзда баён қилиш, норозилик кайфиятини кўрсатиш ва бошқалар. Ушбу мотивациядаги шахслар агресив кўринишдаги оломонни ташкил қилиб, давлат органлари томонидан олиб борилаётган сиёсатдан норозилик кайфиятини ўзида намоён қиласди.

Тадқиқотчилар томонидан оломон психологиясини ўрганишда алоҳида бир шахсни ажратган ҳолда унинг айнан норозиликлар вақтида онгида содир бўладиган **ўзгаришларни таҳлил қилишганда**, шахс ҳаракатларида қўйидагича ҳолат кузатилган:

- ақлни ишлатишга нисбатан ҳиссиётга берилишнинг ортиши;
- ўз кучига ҳаддан ортиқ ишонч пайдо бўлиши;
- гуруҳий таъсир ортиб, мустақил фикрлашнинг пасайиши;
- тартибсизлик обьектига нисбатан нафрат ортиши;
- ўз ҳаракатига жавобгарлик ҳиссининг йўқолиши;
- инсоннинг ҳаддан ташқари фидоийлик ва шафқатсизлик қилишга қодир бўлиши;
- қилаётган хатти-ҳаракатларини онгли равишда баҳолайолмаслиги.

Юқоридаги психологик ўзгаришларнинг барчаси салбий характер касб этиб, оломоннинг агресивлигини оширишга хизмат қиласди, ҳамда норозиликлар ташкилотчилари учун оломонни бошқаришда қулай муҳит яратади. Бу ўз ўрнида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан оломонни тарқатишда маълум қийинчиликларни юзага келтиради.

Социолог олимлар фикрича оммавий норозиликлар бу ижтимоийходиса бўлиб, унинг илдизларини жамиятда хукм сурадиган **“оммавий кайфиятдан”** излаш керак, у асосан кўпчилик одамлар массасининг жамиятда рўй бераётган воқеа-ходисаларга нисбатан умумий психологик кайфияти билан тавсифланади.

Жамиятда омма кайфиятини ўзида намоён қилувчи З та ҳолат мавжуд бўлиб, биринчи: аҳолининг яратилган ижтимоий-сиёсий шароитлардан қониқиши ёки қониқмаслик даражаси, иккинчи: фуқароларнинг ўз ижтимоий- сиёсий истакларини амалга ошира олиш даражаси, учинчи: мавжуд яратилган шарт-шароитларни ўзгаришишга бўлган хоҳишининг мавжудлиги.

Юқоридаги З та ҳолатнинг ҳар бирни кенгроқ таҳлил қилсак, биринчи ҳолатда давлат органлари ва амалдаги сиёсий ҳокимият томонидан жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда аҳолининг ривожланиши ва камол топиши учун маълум бир шарт шароитларнинг яратилганлиги билан изохланади. Масалан, коммунал хизматлар кўрсатиш, таълим, соғлиқни сақлаш тизими ва бошқалар. Иккинчи ҳолат ушбу яратилган шарт-шароитлардан аҳоли тенг ҳуқуқли равишда фойдалана олиши, давлатнинг бунга кафиллиги, ушбу муносабатларда тенглик бузилиш ҳоллари кузатилса аҳоли ҳуқукларининг суд орқали ҳимоя қилиниши, яъни айбдорларга жавобгарлик чораларнинг мавжудлиги билан

белгиланади. Учинчи ҳолат кўпроқ сиёсий аҳамият касб этиб, бунда аҳоли давлат ҳокимияти томонидан яратилган шарт-шароитдан норозилиги ва уларни ўзгартиришига бўлган хоҳиши билан характерланади. Фикримизча давлат ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар асосан мана шу учинчи ҳолатга кўпроқ эътибор қаратиши лозим, сабаби аҳоли кўпчилик қисмининг яратилган шарт-шароитларни ўзгартиришга бўлган истаги мавжуд бўлса, у ҳолда келгусида норозилик чиқишлари вужудга келиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, оммавий кайфият инсонлар онги билан боғлиқ жараён бўлиб, агар у норозилик кайфияти кўринишида бўлса, тезтарқалади ва жуда юқумли бўлади. Бундан ташқари, омма норози кайфиятда бўлганда уни бевосита назорат қилиш ва бошқариш қийин кечади. У ҳаётнинг қийин шароитларида бўлган инсонларни осон ва тез бирлаштиради, ҳамда инсонларга мос келмайдиган ижтимоий-сиёсий вазиятни ўзгартиришга бўлган салбий кўринишдаги “ягона жамоа”ни шакллантиради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, омма кайфиятининг барқарорлиги жамиятда яратилган шарт-шароитлар билан аҳоли хоҳиш истаклари ўртасидаги мувозанатга боғлиқ, агар ушбу мувозанат бузилса, оммавий норозилик ва тартибсизликлар келиб чиқиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Дружинин В.Н. “Психология XXI-века”. Москва, 2003, 863 с
2. Назаретян А.П. Агрессивная толпа, массовая паника, слухи. – СПб.: Питер, 2003. – 192с
3. Сухов А.Н. Как уберечься в толпе ОБЖ: Основы безопасности жизни. – 2015. - № 10.
4. Иванова К.В. Массовые беспорядки понятия и сущность – Москва. г 2017
5. Жубандыков Л.А. Причины массовых беспорядков. Пресечение и предупреждение массовых беспорядков – Москва. г 2016 125 ст.